



ООО "XB FINANSE KONSULTING"

АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ

«JIZZAX HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI» АЖнинг 2017 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботиغا изоҳли фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«JIZZAX HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI» акциядорлик жамияти раҳбариятига

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:

МЧЖ «XB FINANSE KONSULTING»

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Госпитал даҳаси 11/12. Телефон 252-37-04, Факс: +998 71 150-23-01. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 11.05.2005 йилда № 321 рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 15.05.2008 йилда берилган «Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшириуви»ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалган оширишга рухсат берувчи -серия АФ № 000676 Лицензияга эга.

Хисоб рақами: 2020 8000 6044 0871 2001 в ХАТБ «DAVR BANK», Коди-01046, СТИР 205666530, ИФУТ 84400.. email: XB.Finanse-konsultin@mail.ru.

Аудиторлик ташкилоти директори: Эгамбердиев Зоҳиджон Зокирович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил 21 декабр куни берилган № 05171-сонли «Аудитор малака сертификати»

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот:

«JIZZAX HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳар, Боғзор кўчаси 60 уй. Почта индекси 130106 Тел.(8372) 222-37-16. 222-27-19, 222-37-56.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси, Жиззах шаҳар Ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 15.06.2011 йилда №4155 сонли тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган ва гувоҳнома олган. Хисоб рақами: Х/р 20 210 000 900 304 459 001, АИТБ «Санаот қурилиш банк» Жиззах филиали, МФО 01152; СТИР 200344721; ОКЭД 35120 Жамият бошқаруви раиси: Ибрагимов Б.

Асосий фаолият тури: - электр энергиясини узатиш

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "XB FINANSE KONSULTING" аудиторлик ташкилотининг аудитори Эгамбердиев Зоҳиджон, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан 21.12.2013 йилда берилган № 05171 сонли «Аудитор малака сертификати», аудиторлик ташкилоти билан «JIZZAX HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI» акциядорлик жамияти ўртасида 20.11.2017 йилда тузилган 20/04 сонли шартномага асосан «JIZZAX HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI» акциядорлик жамиятининг 01.01.2017 йилдан 31.12.2017 йилгача бўлган даври учун тузилган "Корхона баланси" – форма № 1, "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" – форма № 2-шакл, "Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот" – форма № 4-шакл, "Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот" –

форма № 5-шаклларида иборат молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «**JIZZAX HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI**» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 31 июлда 2127-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 7 июлдаги 53, 2010-32-сонли қарорига асосан қабул қилинган Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМга асосан материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи 1600 счётидан "Ўтказиб берилган электр энергияси қийматидаги тафовут" счётининг дебёт қолдиғи ва 3120 счётга олиб борилган аниқланмаган дебитор қарзларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «**JIZZAX HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI**» акциядорлик жамияти 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи юқоридаги аудитор томонидан билдирилган изоҳни эътиборга олиб барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ «**AB FINANCE KONSULTING**» аудиторлик ташкилоти директори, аудитор:

Эгамбердиев З. З.

Хулоса тузилган сана
«31» март 2018 йил

